

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ВА УНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ

Асрор Асадович МУХАМЕДОВ

мустақил изланувчи

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг “Қутадғу билиг” асарининг ёзилиши билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий жараён, асарнинг Марказий Осиё халқари маънавий меросининг дурдонаси эканлиги, унинг мазмун-моҳияти, унда баён қилинган асосий ғоялар ва уларнинг мазмуни очиқ берилди.

Таянч сўзлар: “Қутадғу билиг”, Юсуф Хос Ҳожиб, маънавий мерос, туркий халқлар, ижтимоий фалсафа.

ЮСУФ ХАС ХАДЖИБ И ЕГО ПРОИЗВЕДЕНИЕ «КУТАДГУ БИЛИГ»

Асрор Асадович МУХАММАДОВ

независимый исследователь

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет о социально-философском процессе, связанным с Юсуфом Хас Хаджибом и созданием его произведения “Кутадгу билиг”. Раскрывается суть произведения, изложенные в нем основные идеи и их социально-философское содержание. Отмечается, что произведение “Кутадгу билиг” является жемчужиной духовного наследия народов Центральной Азии.

Ключевые слова: “Кутадгу билиг”, Юсуф Хас Хаджиб, духовное наследие, турецкие народы, социальная философия.

Аждодларимизнинг бой маънавий мероси жаҳон цивилизациясининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Инсоният маданий меросининг гултожи бўлган буюк асарлар дунёнинг ривожланган давлатларида қадрланади ва ёш авлод тарбиясида муҳим манба сифатида фойдаланилади. Олимларнинг қайд этишича: “Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ҳозир АҚШ Ҳарвард университетида президентлар тайёрлайдиган сиёсатшунослик факультетида махсус курс сифатида ўқитилмоқда” [9].

Ўзбекистонда ҳам ёшлар дунёқарабини шакллантиришда “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-фалсафий ғоялардан фойдаланиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик масалалардандир.

Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб, у яшаган даврнинг ижтимоий-маънавий муҳити ҳамда алломанинг “Қутадғу билиг” асарининг ёзилишига эътибор қаратсак. Айтиш жоизки, Марказий Осиё туркий халқларининг XI асрга оид бўлган, ҳозирча бизгача етиб келган дурдоналарининг биринчи намунаси «Қутадғу билиг» (“Саодатга йўлловчи билим”) асаридир. Асар туркий адабиёт ёзма адабий тилининг қимматли манбаи бўлиши билан бирга, қадимги турк фалсафий қарашлари ҳақида тугал маълумот берувчи асардир. “Қутадғу билиг” ўзида қадимги турк фалсафасини, Шарқнинг илғор қарашларини акс эттирганлиги учун “Шоҳ Китоб”, яъни, “Туркий Шоҳнома” номини ҳам олган.

“Қутадғу билиг” ҳажм жиҳатидан ниҳоятда катта, услуб эътибори билан тамоман ўзига хос бир бадиий асар намунаси. Шунинг ўзиёқ Юсуф Хос Ҳожибнинг нечоғлик етук шоир, адабиётшунос, тилшунос олим бўлганидан далолат беради. Асар мазмун-моҳияти жиҳатидан кенг қамровга эга.

Бу китобни чинликлар “Адабул мулук”, мочинлар “Ойинул мамлакат”, Шарқ эли улуғлари “Зийнатул умаро”, эронликлар “Шоҳномаи туркий”, туронликлар “Қутадғу билиг”, бошқалар “Пандномаи мулук” деб аташган [6].

Кўпгина файласуфлар “Юсуф Хос Ҳожибнинг асари туркий тилда яратилган дастлабки асардир” [1], дейишади. Лекин, биз бу фикрга қўшила олмаймиз. “Қутадғу билиг”гача ҳам туркий тилда асарлар бўлганлиги шубҳасиз. Лекин ўзаро низолар, араб ва бошқа истилочиларнинг юртимизга бостириб кириши натижасида маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бадиий асарлар ҳам яқсон бўлган, бизгача етиб келмаган. Шу боис, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини туркий тилда яратилган биринчи асар, деб эмас, балки бизгача етиб келган туркий тилдаги энг йирик ёзма манбаа дейиш тўғрироқ бўлади. Қолаверса, адиб ўз асарида, “таълимда бундай дейилган”, “шоир бундай дейди” каби ўз фикрининг исботи учун далиллар келтиради. Буларнинг барчаси «Қутадғу билиг» гача ҳам бадиий асар(лар) бўлганидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз улкан асарини яратишда, замонасининг илм-фан, маданият ва адабиёт ютуқларидан, халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган. Бундан ташқари, араб ва форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари яратган асарлар ҳам адиб ижодига муайян таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Айниқса, мутафаккирнинг Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлганлиги яққол кўриниб туради. “Шоҳнома”да учраган қаҳрамонлар “Қутадғу билиг”да ҳам тилга олинган ва уларнинг салбий ва ижобий томонлари ёритилган. Бу ҳақида Қаюм Каримов ўзининг “Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома” номли мақоласини эълон қилган [2].

«Қутадғу билиг» ғоялари Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул – ҳақойиқ” асарида такрорланган. Бир сўз билан айтганда, Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган анъана ханузгача давом этмокда. “Қутадғу билиг” ўзбек адабиёти тарихида муҳим роль уйнаган панд-насихат, таълим-тарбия руҳи сингдирилган қимматбаҳо асардир. Асар муаллифи ҳақида ҳеч бир манбаада маълумот йўқ. Муаллиф ҳақидаги барча маълумотларни асарнинг ўзидангина олиш мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунда туғилган. Айрим манбаларда Қўз Ўрду номи билан келади. Болосоғун ҳозирги Қирғизистоннинг Талас водийсидаги қадимги шаҳар. Ўз асарини ёзган пайтида у элликдан ўтиб, олтмиш ёшга қараб бораётгани ҳам асарда қайд этиб ўтилади:

*Тегурди манга элчи эллик яшим,
Ўқур олтмиш эмди манга кел тею.
Бунинг мазмуни қуйидагича:
Эллик ёшим менга қўлин теккизди,
Энди олтмиш мени кел дея чорлаётир [1].*

Асар 1069-1070 йилларда ёзилганлиги ҳам китобда келтирилади. У 6500 байт ёки 1300 мисрадан иборат.

*Йил олтмиш эки эди, тўрт юз била,
Бу сўз сўзладим ман тутуб жансура.
Тугал ўн саккиз айда айтдим бу сўз,
Ўдурдим, адирдим сўз эдиб тера [1].*

“Қутадғу билиг” Қошғарда 18 ойлик қаттиқ меҳнатдан кейин ёзиб тугатилади. Турк файласуфи Р.Р.Аратнинг маълумотларига кўра, асарни якунлаш пайтида Юсуф Хос Ҳожиб 54 ёшда бўлган. Асар қорахонийлар хони Тавғоч Улуғ Буғро Қорахонга тақдим этилади. Асар хонга манзур бўлади ва муаллифга “Хос Ҳожиблик” – маслаҳатчи (эшик оғи) лавозимини беради. Асарга Шарқ китоб тузиш алаҳнасига кўра тартиб берилган. Даставвал унвон (басмала), сўнг қисқа муқаддима келади. Бунда тангрига ҳамд, ялавоч (пайғамбар)га ва асҳоби наби (чоҳарёрлар)га наът (шукрона) айтилади. Сўнг китобнинг қиммати, номи, хонга тортиқ қилиниши, муаллифнинг тақдирланиши, тўрт символик қаҳрамонга туркча ном берилиши айтилади. Асарнинг асосий қаҳрамонлари тўртта: Кунтуғди – “Элиг” (ҳукмдор), Ойтўлди – вазир, Ўғдулмиш – вазирнинг ўғли, Ўзғурмиш – вазирнинг қариндоши. Китоб шу тўрт қаҳрамоннинг ўзаро суҳбатлари асосида қурилган. “Қутадғу билиг” арузнинг мутақориб вазнида ёзилган.

Кўпчилик “Қутадғу билиг”ни фақатгина дидактик, панд-насихатга асосланган бадиий асар деб билади. Лекин “Қутадғу билиг” айна пайтда муҳим фалсафий масалалар жамланган асар ҳамдир. Асар халққа тушунарли бўлиши учун жуда содда тилда ёзилган.

Алломанинг бу қомусий асари – фақат дидактик поэма бўлибгина қолмай, табиий ва гуманитар фанларнинг кенг қамровдаги муаммоларини ўрганувчи манбаадир. Бу дostonни минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб, таърифласак арзийди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам файласуф, ҳам шоир, ҳам мутафаккир ва ижтимоий арбоб эди. «Қутадғу билиг» дostonида фалсафий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, этик ва эстетик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўтарилган.

Буюк алломанинг дунёқарашида унинг дунёга пантеистик қараши акс этиб туради. «Қутадғу билиг» дostonида дунёнинг яратилиши Оллоҳдан,

деган тушунчага таянади. «Оллоҳ ўзининг иродаси билан ердаги барча мавжудотни, кўкда айланувчи фалак гардишини яратди» [1] деб изохлайди.

Асарда тўрт қаҳрамон образи орқали жамиятдаги барча муаммолар ва уларнинг ечимлари кўрсатиб ўтилади. “Қутадғу билиг”да ҳокимиятни қандай бошқариш, подшо қандай хислатларга эга бўлиши, олимлар, ўтачилар (табиб), таригчилар (деҳқонлар), сотихчилар (савдо аҳли), игдишчилар (чорвадорлар), чиғайлар (йўқсил камбағал) ва бошқа касб-хунар эгалари ҳамда аҳоли табақалари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб деҳқонлар (таригчилар)ни энг биринчи ўринга қўяди ва уларни “барча учун фақат манфаат келтирувчи”, деб таърифлайди. Бунинг мазмуни шундай :

*Таригчи турур қўп, тақи бир қуту,
Керақли кишилар турур бу буту.
Буларнинг била сан қатил ҳам қарил,
Бўғўздин синлар сан сақинчисиз сарил.*

Бунинг мазмуни шундай:

*Эрур деҳқон аҳли яна бир тури,
Керақли кишилар булар ўзлари.
Улар бирла қил хуш алоқа пеша,
Озуқа жиҳатдан хотиржам яша [1].*

“Қутадғу билиг” маснавий, яъни, иккилик шаклда ёзилган. “Қутадғу билиг”нинг луғавий маъноси “қут” – саодат, “билиг” – билим дегани. Яъни, “Саодатга йўлловчи билим”. Асарнинг ҳозир учта қўлёзмаси бизгача етиб келган. Улар топилиши ва сақланиши ўрнига кўра қўйидагича номланади: Вена нусхаси, Қоҳира нусхаси, Наманган нусхаси.

Биринчи нусха 1439 йилда Ҳиротда Ҳасан Қори Сойил Шамс томонидан уйғур ёзувида кўчирилган. Иккинчи нусха араб ёзувида кўчирилган бўлиб, XIX асрдан Мисрда сақланаётгани маълум бўлгани учун Қоҳира нусхаси деб юритилади. Учинчи нусха Наманганда Фитрат томонидан қўлга киритилган ва бу ҳақда биринчи бўлиб мақола ёзган олим

асарни илмий муомалага киритган. Фитрат “Қутадғу билиг”ни соддагина қилиб, “Бахтликланиш билими”, деб атаган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаётий тамойили – муроса фалсафасидир. У ижтимоий табақаларнинг мавжудлигини азалдан деб билади. Фақат улар орасидаги муносабатларга тўхталади ва ҳар кимнинг қилиши лозим бўлган ишларни тушунтиради.

Юсуф Хос Ҳожиб барча баҳсни таълим атрофида олиб борар экан, у ўз давридан, тузумдан, ижтимоий ва сиёсий, моддий ва маънавий ҳаётдан, ўша даврнинг турли табақалари, тоифа ва гуруҳлари, уларнинг расм-қоидалари, ҳунар ва касбу корлари, уларнинг жамиятдаги тутган ўринлари, давлат аппаратининг қандай асосда қурилганлиги, тутган мавқеига қараб ҳар бир табақанинг дунёқараши, қабилалар, уруғлар, маъмурий бўлиниш: сарой ичи, ички ва ташқи сиёсати, ҳуллас кўҳна ўтмиш ҳаётининг ҳамма соҳаси ҳақида маълумот беради.

Унинг ҳозирги замон файласуфларига ҳам, адибларига ҳам, табибларига ҳам, олим ва фозилларига ҳам, чорвадорларига ҳам, деҳқонларига ҳам, ҳунармандларига ҳам, муаллиму мураббийларига ҳам, астроному математикларига ҳам, ҳуллас, барчага айтадиган гапи бор.

У ўз даврининг етук файласуфи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол шахс. Албатта, унинг дунёқараши, фаннинг турли соҳаларидаги тушунчаси, ҳаётни билиши ўша давр ижтимоий тузуми шарт-шароитлари билан чекланган эди.

Ислом Марказий Осиёда мустаҳкамланган бир даврда ёзилган Юсуф Хос Ҳожибнинг асарида теизм руҳи равшан кўриниб туради. У Оллоҳни эътироф қилиш ва дин, шариат йўлини бир дам унутмасликка тарғиб қилади. Лекин дунёвий, ҳаётий масалаларда, ҳаёт учун кураш масалаларида динга муте бўлиб қолмасликка, дунёвий тадбирларни диний эътиқодга қурбон қилиб юбормасликка чақиради, диннинг ўзи ҳам дунёдан воз кечишни тарғиб қилмайди, оламдан юз ўгириб тарки дунё қилиш бетайинлик, унда дунё бир

бўш нарса бўлиб қолади. Дунё неъматларидан воз кечмаслик, ундан баҳраманд бўлиш ва бошқаларни ҳам баҳраманд этиш лозим, қуруқ тоат-ибодат қилиш билан Оллоҳ карамига эришиб бўлмайди, энг аввал тўғри, адолатли-инсофли бўлиш, билим ва заковатга тинмай интилиш керак, деган таълимотни изчиллик билан илгари суради:

*Ажун будни барча улуш кенд қозуб,
Туруб тағқа кирса агир юк юзуб.*

*Бўзулгай ажун барча қалгай қуруғ
Аба оғлани ўзда кесгай уруғ [3].*

Мазмуни:

*Олам халқи қишлоқ, шаҳарни қўйиб,
Туриб тоққа чиқса оғир юк чекиб.*

*Бузулгай олам, барча қолгай қуруқ,
Одам боласидан кесилгай уруғ.*

Юсуфнинг фалсафий қарашларида зиддият кучли, идеализм устун бўлса ҳам, унинг ижодида кўзга ташланадиган материалистик тенденция кўринишлари, догматик диний ақидаларга қарама-қарши бўлган билиш назариясини илгари суриш Ўрта асрлар феодализми шароитида маълум прогрессив аҳамиятга молик эди.

Юсуф Хос Ҳожиб Ўрта аср Шарқининг йирик билимдонларидан эди. У ўша давр диний илми, шунингдек, адабиёт, тарих, фалсафа, табобат, руҳшунослик каби фанларни чуқур эгаллаган бўлиб, замондошлари Ибн Сино, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий каби мутафаккирларнинг асарларидан бохабар олим бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб дунёқараши кўпроқ Ибн Синога яқин келади. Чунки Ибн Сино яратган бадий асарлардан ҳам билиш мумкинки, унинг лирик

кахрамони маърифатчи, инсонпарвар, табиатшунос; дин ва фан бир-бирига зид бўлмай, ҳар қайси ўз йўли билан ривожланиши мумкин. Ибн Сино лирикаси интеллектуал лирикага яқин, унда фикр ҳисга нисбатан кучли, маърифий томон устун [7].

Юсуф Хос Ҳожибнинг Ибн Синога яқинлигини фанда немис олими Алберт Отто ҳам алоҳида таъкидлаган эди [4]. Бироқ бундай қарашни айрим тадқиқотчилар шубҳа остига оладилар. Жумладан, “Қутадғу билиг”ни инглиз тилига таржима қилган Роберт Данкоф ҳамда баъзи ўзбек олимлари буни инкор этадилар [8]. Юсуф Хос Ҳожибда ақл билан заковатга яхлит қараш мавжудлигини Ибн Синодан биров фарқлаш мумкин, аммо уларга умуман айрича қараш ҳам тўғри эмас. Юсуф Хос Ҳожиб билан Ибн Сино дунёқараши ўртасидаги ўхшашлик, энг муҳими, аввало, дунёни яхлит ҳолда кўришда, инсонни мукаммал қилишга интилишларда кўринади. Ибн Сино “Рисола фил – ишқ” асарида [5] “Мукаммалликда камчилик бўлмайди, чунки камчиликнинг мавжудлиги мукаммаллик йўқлигидан нишонадир”, дейди. Юсуф Хос Ҳожиб қарашларида ҳам инсон ҳеч қачон эришганларига қаноат қилмаслиги, у ҳамма вақт билмаганини билиши, ҳали қўлга киритилмаган ютуққа муяссар бўлиши учун интилиши лозимлиги айтилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. – Тошкент: Янги нашр, 1971. – 965 б.
2. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома”. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1965. – №8. – Б. 58-62.
3. Каримов Қ. Илк бадиий дoston. – Тошкент: Фан, 1976. – 350 б.
4. Насилов А. Радлов и изучение древне уйгурских памятников //Туркологический сборник. – Москва, 1976. – С. 67-68
5. Сина, Ибн. Избранное произведения. – Москва: Наука, 1980. – 551 с.
6. Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 178 б.
7. Туйчиев У. Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 310 б.

8. Ўзбек адабиёти тарихи I том. – Тошкент: Фан, 1997. – 305 б.
9. <https://yuz.uz/news/uchinchi-uygonish-davri-sarchashmalariga-bir-nazar>
Мурожаат этилган сана: 21.05.2022 й.